

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Валишер Элмуродович Абиров ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА МУНОЗАРА.....	5
2. Жалолиддин Тухташевич Аннаев ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРМИТА-ТЕРМИЗДА БУДДАВИЙЛИК.....	13
3. Феруза Парходовна Атамуратова ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА ТАРМИТА-ТЕРМИЗ.....	21
4. Мунаввар Абдурашид қизи Атамирзаева МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ.....	28
5. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ....	35
6. Рашидахон Муқимовна Аҳмедова ТУРКИСТОН ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....	40
7. Дилафруз Аҳмедова Хусан қизи МАКТУБЛАР МАНБА СИФАТИДА.....	46
8. Oхunjon Axmat o'g'li Boboqulov MUSTAQIL KONGO DAVLATINING SSSR BILAN DIPLOMATIK ALOQALARI (davriy matbuot gazetalari tahlili asosida).....	53
9. Феруза Хаятовна Бобожонова БУХОРОДА МАКТАБ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XIX АСР ОХИРИ-XX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИ).....	58
10. Omon Olimjonovich Gadayev MUSTAQILLIK YILLARIDA SAMARQAND VILOYATINING DEMOGRAFIK TARIXI.....	65
11. Дилорам Зияева МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎРТА АСРЛАРДА ЮЗ БЕРГАН УЙҒОНИШ. ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	71
12. Farxod Sobirovich Ziyayev TURKISTONDA MUSTABID SOVET TUZUMIGA QARSHI QUROLI HARAКAT.....	77
13. Ubaydulla Mamat o'g'li Ismoilov SUYURLITEPA YODGORLIGI O'RNIDAGI SHAHARNING TARIXIY NOMI XUSUSIDA MULOHAZALAR.....	84

14. Baxtiyor Safarovich Nazirov JADID VAKILLARINING AHOLINI SOG‘LOMLASHTIRISH BORASIDAGI QARASHLARI.....	109
15. Рустам Абдуваид ўгли Неъматов ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	114
16. Дилорам Сангирова ЎРТА АСР ДАВЛАТЧИЛИК РАМЗЛАРИ СЎЗ ВА ТАСВИРДА.....	120
17. Lyudmila Mixaylovna Sokolova ANDIJON, NAMANGAN, FARG‘ONA VILOYATLARIDAGI HUNARMANDLAR USTOZIGA BAG‘ISHLANISH MAROSIMINING IBTIDOSI HAQIDA.....	130
18. Фазилат Нормуродовна Тургунова СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	142
19. Баходир Босимович Тўйчибоев ҚОЯТОШ ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ MASALALARI ХУСУСИДА.....	147
20. Раъно Нортўхтаевна Тўхтаева ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН Кейинги ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ...154	154
21. Dilshod Inomjon o‘g‘li To‘xtasinov NORIN VA QORADARYO ORALIG‘I HUDUDLARINING MANBASHUNOSLIK TAHLILI VA UCHTERA-2 YODGORLIGINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O‘RGANILISHI.....	159
22. Mansur Xayrullayevich Fayzullayev XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИГА ДОИР MASALALARНИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	170
23. Rashid Mamatkulovich Xolmurodov TARIXIY O‘LKASHUNOSLIK FANINI O‘RGANISHDA SHAROF RASHIDOV MUZEYI MANBALARIDAN FOYDALANISH.....	177
24. Tuyg‘un Rajabovich Ernazarov TURKISTON GENERAL GUBERNATORLIGIDA BOJXONA XIZMATINING TASHKIL ETILISHI VA UNING FAOLIYATIDAN LAVHALAR (Rossiya imperiyasi va Xitoy aloqalari misolida).....	182
25. Бахтиёр Эргашевич Юлдашев, Светлана Владимировна Темирова ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАР.....	187
26. Алишер Яркулов АРХЕОЛОГИЯ МЕРОСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА.....	195
27. Abdurahmonova Nodiraxon Xusnutdinovna HUQUQIY MADANIYAT VA DEMOKRATIYA: IJTIMOIIY FALSAFIY YONDASHUVLAR VA KONSEPSIYALAR.....	202



Рашидахон Муқимовна Аҳмедова,
Қўқон давлат педагогика институти
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

ЎЗБЕКИСТОН ШИФОБАХШ ЖОЙЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ИЛМИЙ ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ

For citation: Rashidakhan M.Akhmedova, THE HISTORY OF THE ORGANIZATION OF SCIENTIFIC EXPEDITIONS AND RESEARCH WORK ON THE STUDY OF MEDICAL PLACES IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2023, Special issue 1, pp.35-39

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8072197>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда совет ҳкумати томонидан олиб борилган шифобахш жойларни ҳамда қўлларни тадқиқ этиш мақсадида ташкил этилган илмий-тадқиқот экспедициялари фаолияти тарихий адабиётлар ва архив манбалар орқали таҳлил қилинади. Шунингдек, Н.А.Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти томонидан уюштирилган илмий экспедицияларнинг ҳулосалари, тадқиқ этилган шифобахш жойлар ва уларнинг айрим хусусиятлари илмий ўрганилган.

Шу билан бирга мақолада совет ҳкумати томонидан ташкил этилган Ўзбекистондаги санаторий-курортлар фақатгина аҳолини даволаш ва уларга дам олиш шароитларини яратиб бериш билан чегараланиб қолмай, балки мазкур соҳани ривожлантириш учун ҳудудларга илмий экспедициялар ташкиллаштирилганлиги очиқ берилган.

Калит сўзлар: курортолог, гидрометериология, Педов, бальнеологик, Қоракон, Н.А.Семашко, физиотерапия, курорт, санатория, экспедиция, Номозгоҳ, Ситораи-Моҳи-Хоса, Шоҳимардон, геофизик.

Рашидахон Муқимовна Аҳмедова,
Старший преподаватель кафедры истории
Кокандского государственного педагогического института,
кандидат исторических наук

ИСТОРИЯ ОРГАНИЗАЦИИ НАУЧНЫХ ЭКСПЕДИЦИЙ И НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ИССЛЕДОВАНИЮ ЛЕЧЕБНЫХ МЕСТ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется деятельность научно-исследовательских экспедиций, организованных советским правительством в Средней Азии, особенно в Узбекистане, с целью исследования целебных мест и озер, по исторической литературе и архивным источникам.

Также были научно изучены выводы научных экспедиций, организованных Институтом физиотерапии и курортологии им. Н.А.Семашко, исследованы лечебные места и некоторые их свойства.

В то же время в статье раскрывается, что санатории-курорты в Узбекистане, созданные советским правительством, не ограничивались лечением населения и созданием для него оздоровительных условий, но и организовывали научные экспедиции в регионы для освоения этой области.

Ключевые слова: куртолог, гидрометеорология, Педов, бальнеологик, Коракон, Н.А.Семашко, физиотерапия, курорт, санатория, экспедиция, Намазгах, Ситораи-Мохи-Хоса, Шахмардон, геофизик.

Rashidakhon M.Akhmedova,
Senior Lecturer, Department of History,
Kokand State Pedagogical Institute,
Candidate of Historical Sciences

THE HISTORY OF THE ORGANIZATION OF SCIENTIFIC EXPEDITIONS AND RESEARCH WORK ON THE STUDY OF MEDICAL PLACES IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article analyzes the activities of research expeditions organized by the Soviet government in Central Asia, especially in Uzbekistan, in order to study healing places and lakes, according to historical literature and archival sources. Also, the conclusions of scientific expeditions organized by the Institute of Physiotherapy and Balneology named after A. N.A. Semashko, medical places and some of their properties were investigated.

At the same time, the article reveals that the sanatoriums-resorts in Uzbekistan, created by the Soviet government, were not limited to treating the population and creating health conditions for them, but also organized scientific expeditions to the regions to develop this area.

Index Terms: balneologist, hydrometeorology, Pedov, balneologist, Korakon, N.A. Semashko, physiotherapy, resort, sanatorium, expedition, Namazgah, Sitorai-Mohi-Khosa, Shakhimardon, geophysicist.

1.Долзарблиги:

Советлар ҳокимияти даврида Ўрта Осиё ўлкаларида шифобахш омилларни излаш, уларни тадқиқи этиш борасидаги олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ва уларнинг изланишларидаги ташкил этилган экспедициялар фаолияти, ҳамда уларнинг натижалари асосида Ўзбекистонда санаторий-курортларнинг очилиши манбалар асосида илмий таҳлили Ўзбекистонда ушбу соҳа тарихини ўрганилишида долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар:

Мақола умумэтироф этилган тарихий-таққослаш, тизимлаштириш, таҳлилий хулосалар каби усуллар асосида баён этилган бўлиб, унда Ўзбекистонда Совет ҳокимияти томонидан шифо масканларини тадқиқ этишдаги олиб борган илмий экспедициялар фаолияти ва уларнинг натижалари ўрганилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўрта Осиёда подшо Россияси ва кейинчалик советлар ҳокимияти ўз мустамлака сиёсатини юритар экан, мамлакатда шифобахш жойларни тадқиқ этиш ҳамда шифобахш омилларни ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришгани тарихдан маълум.

Шифобахш жойларни тадқиқ этиш экспедицияларида шифокор куртортологлар ўз фаолиятларини олиб бордилар. Шунингдек ушбу жараёнга куртортологлардан ташқари физиклар, химиклар, метериологлар, геологлар ҳам жалб қилинган. 1917-1931 йилларда шифокорлар, физиклар, химиклар, геологлар, радиологлар томонидан курортлар бўйича 48 та иш эълон қилинган [1,41]. 1930 йиллардан бошлаб Ўзбекистондаги санаторий ва курортлар

фақатгина аҳолини даволаш ва уларга дам олиш шароитларини яратиб бериш билан чегараланиб қолмай, балки мазкур соҳани ривожлантириш учун ҳудудларга илмий экспедициялар ташкиллаштирган. Хусусан, 1932 йилда Ўзбекистон гидрометеориология институти томонидан республикадаги шифобахш жойларни ўрганиш бўйича экспедиция ташкил этилган. Экспедиция аъзолари 21 июнда Тошкентдан Фарғона округидаги Педов минерал манбасини тадқиқ этиш учун боришган [2, 31-32]. Мазкур экспедиция аъзолари булоқлар атрофида ўткир керосин ҳидига эга бўлган ерни топишган. Шунингдек, улар учта булоқнинг сувини ҳам тадқиқ этишган ва бу булоқ сувлари кам минераллик олтингугурт нордон сув эканлигини аниқлаган. Бу ерда кальций ва магний тузлари кўп бўлган. Булоққа яқин жойда жойлашган Риштон районининг эпидемик ҳолати ҳам экспедиция аъзолари томонидан ўрганилган.

Ушбу экспедиция Педов булоқларини курортга айлантириш учун ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар сифатида унинг суви олтингугурт, сульфат, оҳақли сув типига кирганлиги учун бальнеологик томондан катта қийматга эга эканлигини таъкидлайди. Салбий омиллар сифатида эса сифатли ичимлик суви ва дарахтлар йўқлиги, шунингдек, тез-тез сел келиши натижасида булоқларни ювиб кетиши, иссиқ шамол бўлганлиги сабабли нафас олишнинг қийинлашуви, сел оқибатида булоқ атрофида турар жой қуриш имконияти йўқлиги, бундан ташқари йирик гидротехник ишлар олиб бориш зарурияти киритилади. Педовда ишлар тугатилгандан кейин экспедиция Тошкентга қайтиб келади [2, 34-35]. Кейинчалик мазкур экспедиция аъзолари Бухородаги Қорақўл ва Хўжасайёддаги Қоракон кўлини тадқиқ этиш учун боради. 1930 йилларда институт ходимлари томонидан физиотерапия бўйича ўзбек ва рус тилларида дарсликлар ва илмий-оммабоп рисоалар нашр этилган [5, 152].

1934-1936 йилларда Н.А.Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти ва Ўрта Осиё давлат университети илмий ходимлари томонидан Оғалик, Водил, Номозгоҳ, Ғова, Ёнғоқзор, Уч Қизил, Хўжа ипак, Ялонғоч, Заркент курорт ва санаториялари тадқиқ этилди. Унинг натижалари Н.А.Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институтнинг тўпламларида чоп этилди [3, 36].

1933 йил ёз мавсумида Н.А.Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти ходимлари иштирокида экспедиция уюштирилиб, Қўқон райони Қайнарбулоқ булоғи, Самарқанд районидаги Кулсой, Зомин, Оқтош, Оғалик, Қоратепа, Омон-Қўтон, Заркент, Қизил-Сой, Далварзин кўли, Ғова каби жойлар тадқиқ этилди. Экспедицияларда курортолог шифокорлар, кимёгарлар, гидрогеологлар, иқлимшунослар ва иқтисодчилар қатнашган, экспедиция учун моддий маблағини республика ижтимоий суғурта кассаси тўлаган [3, 74].

Самарқанд яқинида Номозгоҳ туберкулёз санаторияси бўлган. Экспедиция аъзолари томонидан Номозгоҳ ҳудуди яхши ўрганиб чиқилади. Номозгоҳда охириги уч йилда безгак касаллиги кам учраган. Бу районда боғлар ва полизлар ниҳоятда кўп бўлган, шунингдек узумзорлар ҳам кўп жойларни ташкил этган. Номозгоҳ қадимдан Самарқанд шахрининг маҳаллий аҳолиси учун дала-ҳовли вазифасини ўтаган [4, 83].

Экспедиция аъзолари Самарқанд шахрига қараганда Номозгоҳ қулай иқлим шароитига эга эканлиги жумладан, намлик даражаси юқорироқ, шамол тезлиги пастроқ бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Номозгоҳ эпидемиологик жиҳатдан ҳам талабга жавоб берар эди ва қулай йўлга эга бўлган. Бундан ташқари, сут маҳсулотлари, мева ва сабзавотларга бой эканлигини ҳисобга олиб, бу ерда санаторий муассасаларини қуриш мумкин деган хулосага келади [4, 87].

1930 йилларда эски Бухоро шаҳар совети томонидан 1911 йилда эски Бухоро атрофида қурилган Бухоро амирининг ёзги саройини дам олиш уйига айлантириш масаласи кўтарилди. Бу масалага аниқлик киритиш учун у ерда физиотерапия ва курортология институти ходимлари иштирокидаги экспедиция ташкил этилади. Ситораи-Моҳи-Хоса эски Бухородан шимолда 3-4 км узоқда жойлашган бўлиб, унга олиб борувчи йўл яхши ҳолатдаги тош йўл бўлган. Йўллар бўйида 9 та катта сув ҳавзаси бўлиб, уларни кичик кўлга ҳам ўхшатиш мумкин бўлган [10, 59].

Ситораи-Моҳи-Хоса 275 метр баландликда жойлашган бўлиб, у эски Бухоро шахридан 25 метр баландликда бўлган. Эски Бухоро ва унинг атрофидаги жойларда безгак касаллиги кенг тарқалган эди. Ситораи-Моҳи-Хосанинг биноси 8 та боғда жойлашган эди. Уларнинг баъзилари шарқона усулда чиройли безаклар билан безатилиб, бадий қийматга эга эди. Улардан бирида музей жойлашган. Ситораи-Моҳи-Хоса нинг худуди ва бинолари Ўрта Осиё асори-атиқа ва санъат комитетига қарашли бўлган. Улардан бир қисми боғ билан биргаликда 22-сонли совхозга бериб юборилган. Назорат ва қаров йўқлиги сабабли биноларнинг бир қисми бузила бошлаган. Узумзор ва мевали дарахтлар - олма, нок, ўрик, олча, кўк-султондан иборат бой мевали боғ йўқ бўлиб кетаётган эди. Жами бу биноларда 60 та хона бўлиб, у ерда 300 нафар кишини жойлаштириш мумкин эди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш учун ҳам зурур бўлган бинолар бор эди. Дам олиш уйи майдонини 11 гектаргача кенгайтириш имконияти бор эди. Ситораи Моҳи Хоса 8 км узоқликда сут фермасига эга бўлган “Ҳақиқат” колхози жойлашган эди ва у дам олиш уйини сут маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эга эди. Мазкур экспедиция Ситораи-Моҳи-Хосанинг ботқоқлик жойда жойлашганлиги, безгак касаллиги кўп тарқанлиги, ичимлик суви етишмаслиги ҳамда иқлими иссиқ бўлганлиги сабабли Ситораи-Моҳи-Хосада дам олиш уйини очиш мақсадга молик эмас деб ҳисоблаган [4, 104-107].

1934-1939 йилларда Шоҳимардон курортида шифокорлар (Беякова, Захарян, Каширцев, Акапян ва б), иқлимшунос ва геофизиклар (проф. Чернявский, доцентлар Лютерштейн ва Айзерштат) гидрогеолог (Бедер), ботаник (проф. Советкин,) профессор Н.И.Рагоза раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб борган. “Труды Узбекского государственного научно-исследовательского института физиотерапии и курортологии им. Семашко Курорт Шахимардан” номли китоб мана шу тадқиқотлар натижаси ҳисобланади. Бундан ташқари, олиб борилган илмий тадқиқот натижасида “Шоҳимардондаги қуёш ванналари таъсири остида қон босимининг ўзгариши”, “Шоҳимардон тоғ иқлим курорти шароитида ўпка туберкулёзи касаллигига чалинган беморларнинг қонидаги ўзгаришлар”, “Шоҳимардон курорти, сил касаллигига учраган беморлар учун тоғ-иқлим станцияси сифатида” ҳамда “Шоҳимардон курортида ўпка силининг кечиши” номли тўртта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган [6, 15].

1938 йилда Н.А.Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий текшириш институти томонидан Шоҳимардон курортининг геофизик жиҳатлари ҳамда турли беморларга физиологик таъсирини ўрганиш учун мутахассислар жўнатилган. Улар томонидан курортнинг ҳавоси, тупроғи, сув, қуёш радиацияси, ҳаво ионизацияси кабилар ўрганилиб, уларнинг беморларга таъсири, уларнинг қонидаги кизил ва оқ қон таначаларнинг ўзгариши РОЭ, қон босими каби уларга таъсири тадқиқ этилган. Шу йиллар мобайнида йиғилган материаллар тўпланиб, Шоҳимардон курортини ўрганиш бўйича тўплам чоп этилган [7, 85].

Н.А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия давлат ва тадқиқот институтининг курортология бўлими томонидан 1934-1940 йилларда 60 дан ошиқ шифобахш жойлар тадқиқ этилган бўлиб, улардан 30 га яқини тоғ иқлим, 18 таси минерал сув манбалари билан больниологик ва 17 та шифобахш лойлик кўллар аниқланган [9, 74]. Тадқиқ этилган тоғ-иқлим жойларининг аксарияти 1950 йилларгача курортлар, санаториялар, дам олиш уйлари, болалар санаторий-профилакторий муассасалари сифатида ишлаган. Масалан, Бош Чорбоғ, Қизиллангар, Шоҳимардон, Оқтош, Водил, Ғовадаги муассасалар шулар жумласидандир.

1932 йилдан 1950 йилгача Ўзбекистонда Н.А.Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти ходимлари томонидан 45 та минерал сув манбалари, 18 та лойли кўллар, 38 та иқлимий жойлар ўрганилди. Натижада умумий стационарли 430 та ўринга (Тошкент минерал суви, Чортоқ, Жайронхона, Полвонтош, Чимён, Жанубий Оламушук, Вановская) касалликларни даволаш жойлари ташкил этилди [8, 33].

Умуман олганда республиканинг курорт бойликларини ўрганиш Н.А.Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Хусусан, уларнинг жамоаси минерал булоқларнинг тузилиши ва

функциялари асосида 100 дан ортиқ қимматли манбалар аниқлаган. Масалан, ўрганишлар асосида қурилган Чортоқдаги бальнеологик курорт шулар жумласидандир.

4.Хулосалар:

Санаторий ва курорт йўналишига доир илмий тадқиқотлар дастлаб илмий экспедициялар уюштириш йўли билан олиб борилган бўлиб, улар жойларда мавжуд минерал ресурсларни ўргандилар. Мазкур экспедициялар хулосалари орқали ҳудудларда санаторий ва курортлар яъни шифобахш жойлар ташкил топган. Жойларга уюштирилган илмий экспедициялар фаолияти натижалари шуни кўрсатдики Ўзбекистон ҳудудида янги минерал ресурслар манбаи аниқланди ва шу асосда ўша жойларда курорт ёки санаториялар очиш имкониятлари яратилди. Шунингдек ушбу соҳага оид илмий тўпламлар нашр этилиши йўлга қўйилди.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Wolman Z.Ya. Uzgimein's expedition to survey new resort areas of the Uzbek SSR in the summer of 1932 // Collection of works dedicated to the 25-year scientific, medical and social activities of Professor Evgeny Aleksandrovich Nielsen. 1933. - 31-32 p.
2. Evseev R.I. History and prospects for the development of resort business in the Uzbek SSR // Proceedings of the State Scientific Institute of Physiotherapy and Balneology named after. ON THE. Semashko. - Tashkent, Collection III, 1935. - 41 p.
3. Evseev R.I., Beder B.A. Resort resources of Uzbekistan // Proceedings of the State Scientific Institute of Physiotherapy and Balneology named after. N.A. Semashko. Collection IV. - Tashkent, 1935. - 36 p.
4. Evseev R.I., Benyaminovich B.M. Resort resources of Uzbekistan // Proceedings of the Uzbek State Research Institute of Balneology and Physiotherapy. ON THE. Semashko. Volume II. To the 15th anniversary of the Institute. - Tashkent, 1934. - 83 p.
5. 1st meeting of physiotherapists and balneologists of the UzSSR // Proceedings of the State Scientific Institute of Physiotherapy and Balneology named after. N.A. Semashko. Collection III. -Tashkent, 1935. - 152 p.
6. Proceedings of the Uzbek State Research Institute of Physiotherapy and Balneology named after. Semashko // Resort Shakhmardan. Collection IX. - Tashkent, 1947. - 15 p.
7. National Archive of Scientific, Technical and Medical Documents of Uzbekistan, fund 14, list 1, file 133, page 85.
8. National Archive of Scientific, Technical and Medical Documents of Uzbekistan, Fund 14, List 1, Case 525, Sheet 33.
9. National Archive of Scientific, Technical and Medical Documents of Uzbekistan, Fund 14, List 1, Case 373, Sheet 74
10. National archive of scientific, technical and medical documents of Uzbekistan, fund 14, file 1, case 363, page 59.

ЎТМИШГА НАЗАР

1 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000